

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Д.Усмонов

Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун
силжишли масала 6
КИМЁ

И.Асқаров, Ш.Қирғизов

Ўрик мевасининг кимёвий таркиби ва биологик хоссалари..... 11

Б.Маҳкамов, Д.Гафурова

Янги полиакрилонитрил / вермикулит таркибида синтез, ион
алмашинувининг хусусиятлари..... 16

Р.Мамадалиева, Ф.Шаропов, А.Ибрагимов, Ш.Абдуллаев, В.Хўжаев

Allochrysa gypsophiloides таркибидаги иккита асосий сапонинни
УССХ-ЭРИ-МС услубини қўллаш орқали тавсифлаш..... 21

М.Ахмадалиев, И.Асқаров

Кротон альдегиди куб қолдиғининг таркибини аниқлаш ва унинг
асосида полимеркомпозиция олиш..... 25

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Низамиев, И.Сайпидинов, Г.Момошева

Яшил “тоза” энергетика бўйича энергетик хабни яратиш истиқболлари
Қирғизистонни иқтисодий ривожлантиришнинг янги йўли сифатида..... 29

А.Ғафуров, О.Ғафуров

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида тадбиркорлик
фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш..... 33

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Б.Холматова

Қадриятлар тизими ва талаба ёшларда аксиологик онгни
шакллантиришнинг фалсафий-педагогик жиҳатлари..... 38

Ж.Дадабоева

Оилавий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг айрим масалалари..... 42

И.Сиддиқов, Р.Мамасолиев

Миллий юксалиш ғоясини амалга оширишнинг ижтимоий-фалсафий омиллари..... 47

А.Ғаниев

Тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-маданий ва маънавий моҳияти..... 53
ТАРИХ

О.Бегматов

Ўзбекистонда замонавий банк тизими шаклланиши ва ривожланишининг
тарихий босқичлари..... 57

Ф.Бобоев

Сурхон воҳасида совет ҳокимиятига қарши кураш ва унинг
ўзига хос хусусиятлари (1925-1933 йиллар)..... 65

А.Маҳмудов

Бухоро амирлигида таълим тизимини ислоҳ қилиш ва янги усул
мактабларини ташкил этишда Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг фаолияти..... 71

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Қуронон

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи илк ва қайта нашрларидаги
бир тафовут ҳақида..... 75

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ В УСЛОВИЯХ ОБНОВЛЯЮЩЕГОСЯ УЗБЕКИСТАНА

IMPROVING THE MECHANISM OF BUSINESS ACTIVITY IN THE RENEWAL OF
UZBEKISTAN

А.Ғафуров¹, О.Ғафуров²

¹А.Ғафуров

– ФарДУ, иқтисод фанлар доктори, профессор.

²О.Ғафуров

– ФарДУ, тарих фанлари номзоди, доцент.

Аннотация

Мақолада янгиланаётган Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини мажмуавий бошқаришнинг моҳияти, йўналишлари, усуллари ва шакллари мисоллар, жадваллар орқали баён этилган

Аннотация

В статье на примерах и в таблицах описаны сущность, направления, методы и формы комплексного управления бизнесом в обновляющемся Узбекистане.

Annotation

The article describes with examples and tables: the essence, directions, methods and forms of integrated business management in Uzbekistan.

Таянч сўз ва иборалар: иқтисодиёт, тадбиркорлик фаолияти, инновацион такомиллашув, истеъмол товарлари, услуб ва тамойиллар, бошқарув тизими, бандлик муаммоси.

Ключевые слова и выражения: экономика, предпринимательская деятельность, инновационное совершенствование, товары народного потребления, методы и принципы, система управления, проблемы занятости.

Keywords and expression: economy, entrepreneurial activity, innovative improvement, consumer goods, methods and principles, management system, employment problem.

Дунё амалиётида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий-ташкилий механизмини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ўрнида янгича бошқаришнинг мажмуавий механизмини шакллантириш, давлат ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш механизмининг концептуал асосларини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини хусусий давлат шерикчилик асосида бошқаришнинг иқтисодий-ташкилий механизмини тармоқ рақобатбардошлигини ошириш стратегияларига асосланган замонавий менежмент тамойиллари асосида такомиллаштириш каби самарали илғор усуллардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги дунё миқёсида тадбиркорлик фаолиятини самарали мажмуавий бошқаришнинг иқтисодий-ташкилий механизмини такомиллаштириш бўйича кўплаб тадқиқотлар, жумладан, ҳудудлар, минтақалар ва тармоқлар салоҳиятини

инобатга олган ҳолда бошқаришнинг мажмуавий иқтисодий-ташкилий механизмини ишлаб чиқишга қаратилган.

Иқтисодиёт соҳасини инновацион такомиллашувига мослашувини таъминлаш, мамлакат миқёсини ва ҳудудлар иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг имконияти ва зарурияти ҳамда стратегик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик КБХТ юксалтиришга бирламчи эътибор қаратилиши талаб этилиб, амалга оширилаётган ислохотлар таркибида асосий ўринни эгаллайди. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини мажмуавий бошқариш механизм-тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни юритишнинг усул, услуб ва тамойиллари мажмуа бўлиб, улар ёрдамида бизнес фаолиятини самарали бошқариш жараёни, муносабатлари ҳамда улар ўртасида алоқа амалга оширилади, КБХТ фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришнинг бундай зарурияти

мамлакат ички бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан таъминлаши, бандлик муаммосини ечиши, ташқи ва ички бозорларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини ошириб, конъюнктура ўзгаришларига мослашувчанлиги ва инноваторлиги юқорилиги билан изоҳланади.

Ҳар қандай янги бошқарув тизими дунёда аниқ механизмлар таъсирида ҳаракатга келади. Муаллифларнинг фикрича, аниқ механизм иқтисодиёт ҳодисаларнинг муайян кетма-кетлигини ўз ичига олади, уни ташкил этувчи элементлари бир вақтнинг ўзида ҳам кирувчи, ҳам чиқувчи ҳодиса бўлиб, бозор иқтисодиёти талабларига мосланувчан креатив, аутсорсинг ва франчайзинг тамойилларига асосланган бошқарув механизмини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда кластерларни шакллантириш каби устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида, давлат ва нодавлат иқтисодий субъектлар ўртасида шерикчилик тамойили қоидаларини ривожлантириш, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ташаббускорликни рағбатлантириш, бошқарувнинг янги механизмларини такомиллаштириш ва натижадорлигини ошириш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уни устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш” бўйича (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 февраль) муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш 2030-йилгача концепцияси

ҳам, мазкур соҳага тегишли бошқа кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган муҳим вазифаларни амалга оширишда мазкур мақолада ўз ифодасини топгани, шунингдек, улар ўртасида юзага келадиган жараёнда янги бошқарув механизми эса бошқарув тизимлари фаолиятининг тизимлари аниқ мақсадларга йўналтириш ва ташкил этиш услуб бўлиб, у, иқтисодий-ташкилий тизим фаолиятини таъминлаб берувчи муносабатлар, шакллар ва воситаларнинг уйғунлигидир.

Иқтисодий адабиётларда ва тадқиқотларда иқтисодий-ташкилий механизм кўп ҳолларда “Иқтисодий механизм”, ташкилий механизм ва хўжалик механизми тушунчалари орқали ҳам ифодаланади. Ташкилий-иқтисодий механизм ҳақида илмий-тадқиқотларда иқтисодий ҳодисаларнинг аниқланган мажмуи ёки кетма-кетлиги, қарор қабул қилиш жараёнида ташкилий элементларининг яхлитлиги, ресурслар билан таъминлаш ва тақсимлаш тизими, бошқарув объектларига таъсир қилишнинг асосий усуллари каби қарашлар мавжуд. Бизнинг фикримизча, бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми бу ўзаро бир-бири билан боғланган элементлар мажмуи бўлиб, бу элементлар ташкилий-иқтисодий, баъзан технологик жиҳатдан қуйи даражадаги кичик тизимчаларнинг ўзаро боғланиши сифатида асосланган. Тизимнинг қуйи даражасидаги ҳар бир бўғин ёки элемент фаолиятининг натижаси юқори даражадаги бўғинлар учун бошланғич маълумот бўлиб хизмат қилади. Демак, тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмини 2 та блокка ажратиш мумкин:

- Иқтисодий механизм, бу, ўз таркибига режалаштириш ва башоратлаш, нархлаштириш, молиялаштириш, кредитлаш, суғурта, мотивлаштириш ва бошқаларни олади.

- Ташкилий механизм, бу ўз таркибига маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш, ташкилий тузилма, бошқарувнинг вазифалари ва усуллари, меҳнатни ташкил этиш, ахборот таъминоти ва бошқаларни олади.

Уларни бошқариш, яъни мажмуавий бошқаришни тадбиркорлик субъектлари таъминлайди.

ИҚТИСОДИЁТ

Тадбиркорлик субъекти фаолиятини мажмуавий бошқаришнинг иқтисодий-ташкилий механизмини ишлаб чиқиш бўйича мақола муаллифларининг ёндашувига кўра, иқтисодий-ташкилий механизм кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тармоқ хусусиятларини ҳисобга олувчи бошқарув тамойиллари ҳисобланган. Иерархия, тизимлилик, уйғунлилик ва мувофиқлиликка асосланиши, шунингдек, хўжалик механизми иқтисодий-ташкилий механизмнинг таркибий қисми асосини ташкил этиши лозим.

Ўзбекистон Республикасидаги вилоятлар ҳудудидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг энг кўп рўйхатдан ўтиб, иқтисодиёт соҳасида фаолият юритаётганлар ташкил этади. Масалан, 2018-2019 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) субъектлари 2019 йилда Андижон вилоятидаги ўсиши 2018 йилга нисбатан 4902 тага ёки 8,3 фоизга, худди шунингдек, Фарғона вилоятида ўсиш – 60,57 тага ёки 7,9 фоизга, Наманган вилоятида ўсиш – 4090 тадан ёки 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, республикамизнинг йирик вилоятларидан бири – Тошкент вилоятида 8616 тага ёки 7,7 фоизни ташкил этган. Ўзбекистон бўйича КБХТ субъектларининг ўртача ўсиш суръати 7,8 фоиз ривожланган.

Фарғона водийси вилоятлари ичида КБХТ субъектларининг саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида энг ривожланган ҳудудларидан бири Наманган вилояти ҳисобланади. Бу вилоят КБХТ субъектлари қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган мажмуавий чора-тадбирлари натижасида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотлари улуши 2018 йилда 70,6 фоизни 2019 йилда 81% ни ташкил этди. Вилоят 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра жами 16926 та, 2020 йил бошига келиб 22034 тани ёки 8,1 фоизни ташкил этди.

Вилоятдаги КБХТ субъектлари амалий фаолиятини иккита даврга ажратиб таҳлил қилинганида, янгилаиб бораётган Ўзбекистон шароитидаги хусусиятини очиб беришда КБХТ субъектларининг эркинлиги, сифати ва ҳуқуқлари ҳамда имтиёзлари тубдан ўзгариб бормоқда.

Наманган шаҳридаги 117 гектар ер майдонини эгаллаган “Юксалиш” корхонасида раҳбари кичик саноат зонасида умумий қиммати 1 трлн. 208 млрд. сўмлик

жами, 95 та лойиҳани амалга оширишни шеригилик асосида режалаштирилган. 2020 йилда коронавирус пандемияси шароитида эса 32 та қиймати 66,9 млрд. сўмлик лойиҳа ишга туширилган. Аҳамиятлиси шундаки, унда 7300 та янги иш ўрнини яратиш белгиланган бўлиб, 2020 июлида 3 минг 35 та иш ўринларини яратиш фаолият юритмоқда.

Президентимиз Наманган вилоятида июнь ойида бўлиб, кичик саноат зонасининг кўздан кечирган 100 дан ортиқ корхоналаридан бири “Flat le” масъулияти чекланган жамият бўлди. “Art SOFT Ceramics holding” компанияси таркибига кирувчи мазкур корхона кафел-керамика маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Маълумки, Ўзбекистон ҳозирги кунда кафел-керамика маҳсулотларининг 55 фоизини импорт қиладиган пайтда, бу маҳсулотга ички ва ташқи бозорда эҳтиёжнинг юқорилиги учун Наманган ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариши жуда ҳам зарурлиги шундаки, хориждан келтирадиган маҳсулотнинг бир квадрати 6 доллардан сотилаётган бўлса, Наманганнинг бу маҳсулоти таннархи 2 долларни ташкил этади. Тадбиркор нархларни арзонлаштиради, маҳаллий хом ашёларнинг ҳаммаси жойларда қазиб олиниб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар арзонланиб боради.

Тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан шерикчилик асосида иқтисодий-ташкилий усулда бошқаришнинг натижадорлиги тобора ўзининг креатив ва мажмуа шакллари намоён этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасини 2016 йил 29 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ КБХТ субъектларига тегишли ташкилотларнинг И.Ф.У.Т. асосида такомиллаштирилган таснифлаш 2017 йил 1 январдан жорий этилди. Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базасига киритилган КБХТ субъектларининг ахборот-маълумотнома тўсидаги янгилаиб бориладиган маълумотлар асосида уларни идентификациялаш таъминланган ва бошқариш усуллари белгиланган.

Иқтисодиётни модернизациялаш даврида, КБХТ субъектларининг янада

ривожлантириш Президентимизнинг 2020 йил 13 октябрда “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори соҳасида қўшимча амалга оширилаётган ислохотларни изчил давомийлигини таъминлаш билан муҳим аҳамият касб этади.

Водий минтақасида, айниқса, айрим вилоятларида КБХТ субъектларини янги Ўзбекистон шароитида иқтисодий-ташкилий фаоллик асосида ривожлантиришга қаратилган иқтисодий-ташкилий мажмуавий механизмнинг самарали ташкил этиш учун сўнги 2-3 йиллар давомида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан янги тизим яратилган. Қўрилган ва белгиланган чора-тадбирлар натижасида республика, айниқса, ҳудудларда ишбилармонлик муҳити яхшиланиб бормоқда.

Тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг қўламли ва қатламли имкониятлар яратилди. Шу жумладан, аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб этиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган “Ҳар бир оила-тадбиркор”, “Ёшлар-келажакимиз” каби ижтимоий дастурлар доирасида имтиёзли кредитлар ажратилиб бориляпти.

Маълумки, 2020 йил 13 октябрда Президентимизнинг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларни изчил самарали давом эттиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Қарорда таъкидланишча, аҳолини, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни кичик бизнес тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб қилиш, микромолиялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари амалиётга, жорий этилиши республиканинг барча вилоятларида ва ҳудудларида белгилаб қўйилди.

2020 йил 1 ноябрда Фарғона вилоятида 39353 та хўжалик юритувчи тадбиркор субъектлар фаолият кўрсатмоқда, улардан 33 307 тасини кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этади. Мавжуд фаолият кўрсатаётганлар (фермер ва деҳқон хўжалиқларидан ташқари) 84,6 фоизни ташкил этади. Мазкур рақамлар кичик корхона ва микрофирмаларнинг (шу жумладан, хусусий тадбиркор субъектлари ҳам) фаолият юритиш 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 16,5 фоизга ошганлигини кўрсатади. Вилоятда энг кўп кичик бизнес ва хусусий тадбиркор субъектлари Фарғона шаҳрида мавжуд бўлиб, ўз фаолиятини муваффақиятли амалга оширмоқда. Айниқса, вилоят марказида 5835 та тадбиркорлик субъектлари 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 594 тага ёки 5,5 фоизга кўпайди.

Тадбиркорлик субъектлари шаҳар иқтисодий-ижтимоий соҳасига сезиларли даражада улуш қўшиб бормоқда. Шунингдек, бундай ижобий кўрсаткичлар Қўқон шаҳрида 4494 тани, Марғилон шаҳрида 3642 тани, Учкуприк туманида 1742 тани ва Тошлоқ, Бувайда, Олтиариқ, Данғара каби туманларда анча фаоллик сезилмоқда. Янги 2019-2020 йил ноябригача ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлил қилинганда, уларнинг саноат соҳасидаги улуши 23,9 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқларида 7,5 фоиз, қурилишда 6,8 фоиз яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 6,3 фоизни ташкил этади. Вилоятдаги қолган бошқа тадбиркорлик субъектлари бошқа тармоқ ва турдаги хизматлар билан шуғулланади.

Фарғона вилоятида саноат ва қишлоқ хўжалиги КБХТ субъектлари фаолиятида озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи асосида ошиб боришни олдини олиш, қиш-куз мавсумига захира тўплаш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўришда КБХТ субъектларида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Фарғона водийсида КБХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар динамикаси асосида иқтисодий-ташкилий механизмнинг мавжуд аҳволи ва уни самарали бошқаришни ташкил этиш борасидаги асосий муаммоларни иқтисодий метрик

ИҚТИСОДИЁТ

моделлари, асосида баҳолаш имконияти мавжуд. Тармоқ хусусиятларига кўра баҳолашнинг бир қатор усуллари мавжуд бўлиб, омилларнинг салмоғича аниқ баҳо беришда математик моделлаштириш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Самарали натижага эришишда КБХТ субъектларига давлат томонидан юқори малакали ёрдам керақдир. Ушбу хизматлар

савдо-саноат палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари бўлса, вилоят тадбиркорлик фаолиятини янгилаш мувофиқлаштирувчи тизимини ташкил этиш ва иқтисодий-ташкилий ва ижтимоий бошқариш муаммоларини ечишга бўлган ёндашувларни шакллантириш талабини келтириб чиқариш лозим.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон. - 2020 йил 30 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қарори. 2020 йил 20 ноябрь. –“Халқ сўзи”, - 2020 йил 1 ноябрь. Ўзбекистон Республика Олий Мажлис Сенатининг 9 - ялпи мажлиси қарори.
3. “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2020 йил 27 октябрь. -Халқ сўзи. - 2020 йил 28 октябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат хусусий шерикчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. –“Халқ сўзи”. - 2020 йил 27 ноябрь.
5. Мирзиёев Ш. 2019 йил 1 сентябрдаги Президент мактабининг очилишидаги нутқи; Янги Ўзбекистонимизнинг юксак тараққиёт босқичи” нутқи; Илм-фан, яратувчилик ва ижодий ёндашув. –“Халқ сўзи”, - 2019 йил 3 сентябрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. - 2020 йил 6 ноябрь. –“Халқ сўзи”. -2020 йил 7 ноябрь